O'ZBEKISTON
INV.№ 3 1 05 0 9

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 23 май, № 104 (4767) Шанба

## «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция қатнашчилари!
Азиз меҳмонлар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораларига бағишланган конференцияда иштирок этаётганингиз билан чин дилдан қутлайман.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йиллар давомида ривожланиш жараёнидаги энг қалтис даврни бошидан кечирмоқда. Жаҳон илк бор деярли барча мамлакатларга таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга дуч келди.

2008 йилнинг ноябрида Вашингтонда ва 2009 йилнинг апрелида Лондонда дунёнинг етакчи 20 давлати иштирокида бўлиб ўтган саммитлар молиявий-иқтисодий инқирознинг глобал кўламини тасдиқлаш билан бирга, ундан чиқиш учун дунёнинг барча давлатлари биргаликда изланиши ва уларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш зарурлигини кўрсатди.

Ушбу жараён давомида кўплаб мамлакатларда нафақат жорий иқтисодий сиёсат, балки, умуман, ислоҳ қилиш ва иқтисодиётни бошқаришнинг стратегияси, концепцияси ва тамойиллари қайта кўриб чиқилмоқда.

Шуни тан олишимиз керакки, илгари амал қилган ҳамда муқаррар ҳақиқат деб ҳисобланган кўплаб тамойиллар бугун танқидий таҳлил қилинмоқда, янгича ёндашув, янгича ечимлар изланмоқда.

Ана шу изланишлар асносида конференция иштирокчилари эътиборига Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқилган ва ўзини оқлаган тараққиёт модели ҳавола этилмоқда. Бу модель, аввало, мамлакатда янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий тамойилларини қамраб олади. Бу тамойилларнинг моҳияти иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат зиммасига бош ислоҳотчи вазифаси юклатилиши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир.

Айнан ана шу тамойиллар қонунчилик ва институционал тизимларни шакллантиришнинг асосини ташкил этди, жаҳон молиявий ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихиялар ва назоратсизликдан ҳимояланиш йўлида мустаҳкам ва ишончли тўсиқ бўлди, молиявий-иқтисодий ва банк секторларининг барқарор ишлашини, фаол инвестициявий фаолиятни таъминлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йиллардаги изчил ва барқарор ривожланиши биз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканлигини кўрсатмоқда. Охирги беш йил давомида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоизга ошди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида 7,9 фоизни ташкил этди, ХВЖ прогнозларига кўра, бу кўрсаткич жорий йилда 7 фоиздан кам бўлмаслиги кутилмоқда.

Экспорт ва сармоялар ўсиш суръатларининг барқарор ва юқорилиги, савдо ва тўлов балансларининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг профицити ва ташқи қарзларнинг ҳажми мўътадил бўлгани ҳолда, олтин-валюта захираларининг муттасил кўпайиб бориши ҳам бизнинг иқтисодиётимизга хос жиҳатлардир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси ва ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарорликка эришаётгани ҳақида гап борар экан, менинг назаримда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулоса ва қоидаларни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан — бозор (талаб ва таклиф) ҳамма нарсани ҳал қилади, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатларига сажда қилавериш мумкин эмас. Ҳаёт тажрибаси шуни неча бор кўрсатдики, иқтисодий ва молиявий муносабатларни бошқариш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун устуворликлар танлашда давлатнинг ролидан фойдаланиш (бозор, кучлилар енгади, деган Дарвин тамойилига амал қилишини эътиборга олган ҳолда), аҳолининг кўпчилик қисми манфаатларини ифодаловчи давлатнинг ролини, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган миллий стратегиянинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди.

Иккинчидан — бугунги кунда сўнгги 15-20 йил давомида муайян ҳолатлар сабабли углеводород хом ашёси ва умуман, минерал хом ашёси нархларининг кескин ўсиб кетишига қарам бўлган мамлакатлар, айниқса, мушкул аҳволга тушиб қолди, бошқача айтганда, улар ўзлари билмаган ҳолда жаҳон бизнесининг чайқовчилик билан шуғулланувчи айрим доиралари томонидан сунъий равишда шиширилган «нарх пуфаклари»га ҳаддан зиёд боғлиқ бўлиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб қийинчиликларни бошидан кечираётган мамлакатлар бугун шуни тан олмоқдаки, ушбу жараёнда иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эришади.

Ана шу омилнинг аҳамиятини теран англаш ва ушбу муҳим устуворликни амалга ошириш борасида доимий, тизимли ва пухта ўйланган иш юритиш — бу ҳар қандай шароитда, энг мураккаб ҳолатларда ҳам муваффақиятга эришишнинг калити бўлиб қолаверади.

Учинчидан — бизнингча, йигирма етакчи давлат иштирокида Лондонда бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, музокаралар жараёнида оддий бир ҳақиқат билан ифодаланиши мумкин бўлган оқилона ёндашув устуворлик қилди. Яъни, аввал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли вужудга келган ёнғинни ўчириш керак, шундан сўнггина ўз умрини яшаб бўлган Бреттон-Вуд тизими ва унинг институтларидан янги молия-банк тизимига, уни бошқариш тамойилларига ўтиш моделини шакллантириш, янги молиявий механизмларни қабул қилиш керак.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Мазкур анжуманда конструктив ва самарали мунозаралар жараёнида молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича янги ғоялар ва амалий йўллар таклиф этилади, конференция натижалари халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини теран тасаввур этиш ва англаш имконини беради, деб ишонаман. Зеро, улар миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича пухта ўйланган ва изчил сиёсати туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида вужудга келган таҳдидларга самарали дош бермоқда.

Ишонаманки, конференция иши давомида билдирилган янги ғоялар мамлакат, минтақа ва глобал миқёсда молиявий ва иқтисодий тизимларни ривожлантириш, ислоҳ қилиш назарияси ва амалиётига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Чуқур эҳтиром билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ПУХТА ЎЙЛАНГАН ВА ИЗЧИЛ СИЁСАТ САМАРАСИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ва изчил ислоҳотлар, хусусан, хориж инвесторлари учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар туфайли иқтисодиётимиз тобора ривожланиб бораётир. Айниқса, кўплаб замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши, мавжудларининг техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтармоқда.***



**Жараён**

Пойтахтимиздаги "Орзу Пластик" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси полимер материалларидан қадоқлаш воситалари ҳамда турли ўлчамли халтачалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу корхона мамлакатимиз бозорида ўн йилдан буён фаолият юритиб келади.

— Бугунги кунда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жуда катта имкониятлар яратиб берилган, — дейди корхонанинг ижрочи директори Абдушукур Муҳамедов. — Бу, ўз навбатида, уларга маҳсулотларини нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларга ҳам сотиш йўлини очиб бермоқда. Бизнинг маҳсулотларимизга ҳам, асосан, шу соҳа вакиллари харидор. Яъни, айни пайтда юртимиздаги юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари ҳамда бир нечта йирик саноат корхоналарига буюртма асосида маҳсулот етказиб бераяпмиз. Хусусан, Фарғонадаги "Феруза" хусусий фирмаси, пойтахтимиздаги "Сарбонтекс" ҳамда "Осиё батарея" қўшма корхоналари доимий буюртмачиларимиздан саналади.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

***2009 йил 22 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби бўйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни шакллантириш тажрибасига бағишланди.***

Анжуманда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев ўқиб эшиттирди.

Конференция иштирокчилари ўз маърузаларида Президент Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделини амалга ошириш улкан натижаларга эришиш имконини берганини алоҳида таъкидладилар. Бу юксак натижалар юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан кенг кўламда ўзгартириш, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар экспортини диверсификация қилиш ва ошириш, хорижий инвестицияларни изчил жалб қилиш суръатларида яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда ўтган йилдан буён амалга ошириб келинаётган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳиятига кўра, ўтган даврда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, молия-банк тизимини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмлари, институтлари ва инфратузилмани шакллантириш йўлида бажарилган улкан бунёдкорлик ишларининг мантиқий давомидир.

Конференциянинг ялпи мажлисида сўзга чиққан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар ва тадбиркорлар Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича чораларнинг ўз вақтида қабул қилингани, бу эса жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига мустаҳкам тўсиқ бўлганини юқори баҳолади.

Хусусан, БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) бош котиби С. Панитчпакди ўз сўзида мазкур халқаро конференциянинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади. У Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи иқтисодиётда катта муваффақиятларга эришганини қайд этди. Жаҳон иқтисодий инқирози авж олган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий ва таркибий ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишнинг самараси ҳисобланади. Ўзбекистон бошқа мамлакатлардаги инқирозлардан тўғри хулоса чиқарган саноқли давлатлардан биридир. Ташқи қарзлар масаласига оқилона ёндашув ва уларга ҳаддан ташқари берилишга йўл қўйилмагани ҳам шундан далолат беради. Кўплаб мамлакатлар Ўзбекистоннинг муваффақиятли ривожланишидан ўрнак олса, арзийди.

Конференцияда сўзга чиққан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Минтақавий департаменти директори Х. Миранда мазкур банк иқтисодий ривожланишнинг ўзбек модели, Президент Ислом Каримовнинг ислоҳ қилишнинг беш тамойилини юқори баҳолашини таъкидлади. Инқирозга қарши чоралар дастури ҳар томонлама пухта ўйланган ҳужжат бўлиб, унда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва Ўзбекистон халқининг фаровонлигини янада ошириш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни таъминлайдиган тараққиётнинг стратегик йўналишлари кўрсатиб берилган.

(Давоми 2-бетда).

**Парламент ҳаёти**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ижтимоий-сиёсий оқибатлари: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.***

## Кун тартибида – муҳим масала

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли вужудга келаётган иқтисодий танглик дунёнинг қатор давлатларини ташвишга солмоқда. Шу хусусда сўз борган давра суҳбатида молиявий инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этиш борасида белгилаб олинган тадбирлар давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**



## Инвестициялар мақсадли ўзлаштирилмоқда

**2009** йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз бўйича ўзлаштирилган хорижий инвестициялар миқдори **418** миллион долларни ташкил этди.

**Ўтган даврда, айниқса, тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл инвестициялари юксак мақсадларга — ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар миқдорини кўпайтириб боришга хизмат қилмоқда.**

